



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 19 ноябрь, чоршанба • №94 (11.585) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

КЕЛАЖАК — ФЕРМЕРЛАРНИКИ

Вилоят ҳокимлигида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу вилоят комиссиясининг аъзолари, тегишли бошқарма ва ташкилотларнинг раҳбарлари, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раислари, туман қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари бошлиқларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, туман ер ресурслари бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари республика Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросига оид масалани муҳокама қилдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича вилоят комис-

сияси раиси Сайдулло Бегалиев бошқарди.

Вилоятда республика ҳукуматининг қарори ва вилоят ҳокимининг ушбу қарорнинг ижросини таъминлашга оид қарорини амалга ошириш юзасидан жойларда амалий ишлар бошлаб юборилди. Хусусан, ана шу қарорларга асосан вилоятда 21 та ширкат хўжалигини тўлалигича тугатиб, улар негизда фермер хўжаликларини ташкил этиш белги-

ланди. Вилоят бошқарма ва ташкилотлари мутахассисларидан тузилган махсус ишчи гуруҳ хўжаликларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Айни кунларда 6 та туманда тугатилаётган ширкат хўжаликларининг якуний умумий йиғилишлари ўтказилмоқда. Жойларда вилоят вакиллари иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилиб, Президент Фармони ҳамда ҳукумат қарорининг мақсад ва моҳияти ҳамда ундан келиб чиқадиган вазифалар аҳолига тушунтирилмоқда.

Шу билан бирга йиғилишда айрим туманларда ушбу муҳим масалага етарлича эътибор берилмаётганлиги таъкидланди. Чунончи, Бўка ва Пскент туманларида вилоят ҳокими қарорининг ижроси юзасидан тегишли қарор қабул қилинмаган. Қайта ташкил этиш комиссиялари ҳалигача ўз фаолиятини бошламаган.

Йиғилишда жойларда йўл қўйилаётган барча камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, якуний умумий йиғилишларни юксак савияда ўтказишга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

Шу кунларда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёни қизғин бораётти. Алоҳида таъкидлаш керакки, жойларда бу сиёсий кампания ниҳоятда уюшқоқлик ва талабчанлик билан ўтмоқда.

— Вилоят ҳокимининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ ва овуллардаги 1290 та маҳаллада оқсоқолларимиз ўз ваколат муддатларида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоб бериб, маҳалла аҳолиси янги муддатга ўз етакчиларини, уларнинг маслаҳатчиларини сайлаб олаяпти, — деди «Тошкент ҳақиқати» мухбирига «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раҳбари Тўлқин Миркомиллов. — Шу нарса диққатга сазоворки, бу жараёнда аҳоли ниҳоятда фаол қатнашиб, ишга сидқидилдан муносабатда бўлиб, эл-юрт манфатларини кўзлаётган фидойи оқсоқолларимизнинг саъй-ҳаракатларига муносиб баҳо бермоқда. Шу билан бирга, юзани ишлаб, ўз фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган айрим оқсоқоллар ҳақли равишда танқид қилинмоқда, ишончли оқламаганлар алмаштирилмоқда.

Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Ўртачирчиқ, Қибрай туманларида бу йиғилишлар айниқса, фаол ўтаётганлигини таъкидлаш керак. Умуман, шу йилнинг 15 ноябригача 240 дан ортиқ маҳаллада оқсоқол сайлови ўтди. Аҳоли оқсоқолларини энг муносиб, жамиятимиз ривожига жараёнларни чуқур ҳис этиб, уларга ҳозиржавоб бўла оладиган фаоллар орасидан танлаб сайламоқда.



ВАТАН ТИМСОЛИ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги 15-мактабда ёш авлодни юртпарварлик, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси байроғи қабул қилинган куннинг ўн икки йиллиги муносабати билан «Ватаним, жоним сенга фидо» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз рамзи бўлган байроқнинг жамиятимиздаги тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида қизиқарли маърузалар қилинди. Тадбир ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.



Бўлажак чемпионларга СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Тошкент Давлат аграр университетининг Ўртачирчиқ туманидаги ўқув-тажриба хўжалигида жойлашган вилоят қасаба уюшмалари кўмитаси қошидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (БЎСМ) дастлаб оддий қишлоқ спорт мактаби шаклида ташкил этилган бўлиб, унда бор-йўғи етти нафар мураббий фаолият олиб борар эди.

Бугунги кунда улар сони 20 нафардан ошиб, ўқувчилар сони ҳам 560 нафарга етди. 1-БЎСМ спортнинг кураш, бокс, стол теннис ва таэквондо турларига ихтисослашган бўлиб, асосан, 350 нафар ўсмир барча учун сеvimли ўйин — футбол билан мунтазам шуғулланмоқда. Спорт мактабининг қўшни Оққўрғон, Куйичирчиқ туманларида ҳам бўлимлари мавжуд.

Яқинда ушбу болалар ва ўсмир-

лар спорт мактабига Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг вилоят бўлими мутасаддилари ташриф буюришиб, болаларга ажратилган 2 миллион 900 минг сўмлик спорт анжомларини топширишди. Тантанали маросимда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими директори Раҳматхон Тилляев ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди.



СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар. Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!
Обуна бўлдингизми?

Эслатиб ўтамыз:
бизнинг индекс —
205.

Яхши гап



ТЕНДЕР ҒОЛИБИ

«Тожиев А» хусусий корхонаси тамғаси босилган парта ва ўриндиқларни вилоятимиз, шу билан бирга республикамизнинг қатор шаҳар ва туманларидаги мактабларда қўллаб ўқратиш мумкин. Бу маҳсулотлар ўзининг бежиримлиги, қўлайлиги ва нисбатан арзонлиги билан харидоргир ҳисобланади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан шу йилнинг май ойида парта ва ўриндиқлар етказиб бериш бўйича ўтказилган тендерда мазкур корхона ғолиб чиқиши ҳам бежиз эмас. Жамоа биргина вилоятимизнинг Оққўрғон, Куйичирчиқ, Паркент туманларидаги мавжуд ва янги қурилаётган таълим масканларига 5524 та парта ва ўриндиқлар мажмуаларини етказиб берди. Шундай маҳсулотлар Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мактабларига ҳам жўнатилди. Хусусий корхона жамоаси «Файз» мебель ишлаб чиқариш очик ҳиссадорлик жамияти билан яқин ҳамкорликда ишлаётганлиги шундай ютуқларнинг бош омили бўлмоқда.

— Зангиота туманида жойлашган корхонамизда маҳаллий аҳоли фарзандлари ишлашяпти, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Тожиев. — Уларнинг сафида 15 нафар дурадгор, пайвандчи, чилангар, бўёқчи ва бошқа касб эгалари бор. Ўз касбига меҳр қўйган бу ишчилар зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришяпти. Маҳсулотларимиз ёш авлодга мўлжалланганлиги учун ишимиз масъулият билан ёндошишни тақозо этади.

СУРАТДА: илгор ишчилардан Аширмат Абдуқодиров тайёр маҳсулот билан.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ



«101-модда. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг Қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар. Юқори органларнинг ўзларига берилган ваколат доирасида қабул қилган қарорлари қўйи органлар ижро этиши учун мажбурийдир. Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати — 5 йил».

Бу модданинг мазмуни, юқори давлат органлари ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорлар қўйи давлат ҳокимияти органлари ва ижро органлари томонидан бажарилиши мажбурийлигини англатади.

Юқори давлат органларининг қарорларини амалга ошириш қўйи давлат ҳокимияти органларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади.

Маҳаллий давлат органлари юқори органлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалда қўлланилишини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Уларга қонунлар ва Президент фармонларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш масъулияти юклатилгандир.

Давлат ҳокимиятининг ҳар бир юқори органи қўйи давлат ҳокимияти органлари фаолиятига раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик қўйи органларга кўрсатмалар бериш, улар фаолиятини текшириш ва назорат қилиш, қўйи органларнинг гайриқонуний қарорларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш каби кўринишларда амалга оширилади.

Юқори ҳокимият органларининг ўзига берилган ваколати доирасида қабул қилган ҳар қандай ҳужжатлари қўйи маҳаллий

ҳокимият органлари бажариши учун мажбурийдир. Бу қоида давлат органлари ўртасидаги муносабатнинг асосини ташкил этиб, ижро интизомини, масъулиятни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳамма поғонадаги халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддати беш йил. Ҳокимлар бу муддат тўлмасдан озод этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида бу борада аниқлик киритилган.

Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимлар ўз ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларини амалга оширар эканлар, улар жойларда Конституция, қонунлар, Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларини, Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Вазирлар Маҳкамасини қабул қилган ҳужжатлар, юқори туровчи халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорлари ижросини таъминлайди.

Баъзи юқори давлат органларининг ҳужжатларида маҳаллий ҳокимият органлари учун қўшимча вазифа ёки шу ҳужжатлардаги кўрсатмаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда унинг бажарилишини назорат қилиш масъулияти маҳаллий ҳокимият органларига

тўғридан-тўғри юкланади. Масалан, 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ана шу қонун ҳолатларини амалга оширишда маҳаллий ҳокимият органлари асосий роль ўйнайди ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий химоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бир ой муддатда шаҳарлар, қўрғонлар, кишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларнинг жойлашишини, чағарларини, оилалар ва аҳоли сонини аниқлаш вазифаси юклатилган бўлса, 1994 йил 14 декабрдаги «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарорининг айрим бандлари сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими зиммасига юкланди.

Конституциянинг бу моддаси қоидалари маҳаллий ҳокимият органлари фақат марказий органларнинг ҳужжатларини амалга оширишнинг назарда тулмайди, унга асосан қўйи бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органлари юқори бўғиндаги маҳаллий ҳокимият органларининг ҳужжатларини ҳам амалга оширишлари шарт.

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бошқарма
бошлигининг ўринбосари,
2-даражали адлия
маслаҳатчиси.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Шу йилнинг 20 август кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тўздан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарор юртимиз ишбилармонлари учун қатор имтиёзлар очиб берди.

Вилоят ҳокимлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорликда ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ҳамда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожини жонлантириш мақсадида бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорларни рўйхатга олиш масаласига доир ушбу қарорига асосан барча шаҳар ва туманларда «Давлат рўйхатига олиш инспекциялари» ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида бирмунча амалий ишлар қилинмоқда.

Агар маълумотларга назар ташласак, 2003 йилнинг 1 октябрга палата 42 минг 401 нафар ишбилармонларни аъзо сифатида бирлаштирди.

— Тадбиркорларни ҳуқуқий томондан химоялаш ҳамда қўллаб-қувватлашда анчайин самараларга эришмоқдамиз, — дейди вилоят товар

ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Бобур Давлатов. — Жумладан, 2003 йилнинг тўққиз ойида палата ҳуқуқшунослари жойлардаги солиқ идоралари ва назорат органлари ходимлари билан биргаликда 366 та корхонанинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш жараёнида иштираётганлар Шунингдек, вилоят ва унинг ҳудудий палаталари томонидан саккиз нафар тадбиркорнинг мурожаатлари кўриб чиқилиб, тегишли тартибда ҳўжалик судларига даъво аризалари билан мурожаат қилинди. Биргина мисол: Чиноз туманида фаолият юритаётган «Дилором» кичик корхонаси «Ҳамкорбанк»нинг туман бўлими ҳамда «Савдогар» корхонаси томонидан «Дилором» корхонаси фаолиятига тўсқинлик қилинаётгани, хусусан, олинмаган кредит юзасидан ҳўжалик суди томонидан 2 миллион 238 минг сўм ундирилаётгани ҳақида арз қилди.

Вилоят палатаси ҳуқуқий хизмати бу ишга тегишли бўлган ҳужжатларни ўрганиб, вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритди. Аpellация ҳайъати палата ҳуқуқшунос-

лари иштирокида ишни қайта кўриб, «Дилором» кичик корхонаси фойдасига ҳал этди. Ундирилиши лозим бўлган 2 миллион 238 минг сўм бекор қилинди ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарар «Савдогар» корхонаси томонидан тўланиши ҳақида суд қарор чикарди.

Кези келганда, палаталар қошидаги ахборот-маслаҳат марказлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Ушбу марказларнинг асосий мақсади тадбиркорларга таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш, бизнес-режа тайёрлаш, ҳуқуқий ҳамда консалтинг хизматлари юзасидан маслаҳатлар ва кўлами кенг кўмаклар бериб боришдир.

Шу йилнинг тўққиз ойи давомида шаҳар ва туманлардаги ушбу ахборот-маслаҳат марказлари томонидан тадбиркорларни рўйхатга олишдан олдин, инвестиция олиш, бизнес-режа тузиш йўналишлари бўйича 2193 марта ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси хусусий ишбилармонлар доирасини янада кенгайтириш, вилоят иқтисодиёти ривожига тадбиркорлар улушини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўлишига интилоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

«Маданият» — Қибрай туманида омиқор деҳқонлари эришяётган мўваффақиятлар тўғрисида эга ҳўжаликлардан ҳисобланади.

«МАДАНИЯТ»ДАГИ МИРИШКОРЛАР

Негаки, яқин ўн йил ичида эл дастурхонига сабзавот етиштириб бериш бўйича ҳўжалик давлат шартномавий режасини удалай олмаган бирор мавсум бўлган эмас. Жумладан, бу йил ҳам улар 1449 тонна сархил сабзавот етказиб беришди. Бу режадагидан 149 тонна зиёддир. Ушбу ютуққа Ҳаким Абдурасулов, Фотима Тагаева, Файзиддин Муҳиддинов сингари мудратчилар баракали улуш қўшишди. Ҳозир ҳўжалик деҳқонлари мавжуд ҳосилни йиғиб олиб, тезроқ агротехник тадбирлар ўтказишга астойдил киришишган.

Воҳид
БОЙМУРОДОВ.

Аёл, Ойла, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитасининг ойлик саҳифаси №5

КРАШИ «ЭГАРЛАГАН» АЁЛ



Аёл — ҳаётни безатгучи, таъбир жоиз бўлса, унга кучқудрат бағишловчи улуг бир мўъжиза. Дилбар аёлларимизнинг гўзаллик, нафосат соҳибаси эканлиги ҳаётий ҳақиқат. Нафақат вафою садоқатда, болажонликда, балки яратувчиликда ҳам уларнинг тутган ўрни ва мавқеи катта.

Бундан роппа-роса чорак аср муқаддам ёшгина бир қиз ишлаш учун Бекобод цемент комбинатига қалб кўри, юрак даъвати билан келганида, кўпчилик ажабланиб қараганди. «Қиз бола бўлса, қандай қилиб бундай оғир ишларни эпларкан?» — дегувчилар ҳам бўлди. Лекин, клинкер куйдириш цехида иш бошлаган синчалакдек бу қизнинг ғайрат-шижоати ўзгача эди. Айниқса, кран машинасини бошқараётган ишчиларнинг меҳнати уни қизиқтириб қолди. Қўли бўшади дегунча уларнинг ёнига шошилар, тинимсиз айланиб ишлаётган машиналар унинг завқини оширадди.

Ана ўша орзу-ҳаваслар Омина Ҳасановани кран ҳайдовчилари тайёрлайдиган уч ойлик қисқа курсга етаклади.

(Давоми 4-бетда).

ИШОНЧНИ ОҚЛАШИМИЗ КЕРАК

Республикада мустақиллик шабадаси эса бошлаганига ўн икки йилдан ошди. Бу давр ичида ҳукуратимиз томонидан маҳалла деган кичик бир Ватан халқимиз ҳаётида ўз чинакам мавқеини эгаллашига асос солинди. Ва унга катта ваколатлар берилди.

Биз эса шулардан фойдаланган ҳолда халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаб, маънавий-ахлоқий тарбияси, кам таъминланган хонадонларни моддий қўллаб-қувватлаш билан шугullanмоғимиз, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширмоғимиз лозим. Айни вақтда маҳалла аҳли ўзи сайлаган оксоқолга, унинг маслаҳатчиларига доимо суянади. Шу ишончни оқлашимиз керак.

Ольга ТҲҲБЕТОВА,
Ангрен шаҳридаги Чигирик шаҳарчаси фуқаролар йиғини раисаси.

Ташаббус, тажриба

Чирчиқ шаҳридаги мактабгача тарбия муассасаларининг ишлари билан танишсангиз, кичкинтойлар тарбиясини яхши ташкил этган мураббиялардан мамнун бўласиз.

— Бизнинг 38 та боғчамизда бугунги кунда 5017 кичкинтой тарбияланмоқда, — дейди шаҳар халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим услубчиси Дилором Жуманова. — Болаликдан уларнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Тарбияланувчиларнинг ҳам, тарбиячиларнинг ҳам таркиби кўп миллатли. Машғулотни ташкил этишда турли миллатларнинг маънавий-маданий мероси, амалий санъати намуналаридан фойдаланиб, байналмилал яқинлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат-эҳтиром туйғуларни тарбияланувчиларга болаликдан сингдириляпти.

Мактабгача тарбия ишининг мохир ташкилотчилари, малакали мураббийлар Чирчиқда оз эмас. Халқ таълими бўлимида Захро Саидова, Ольга Горячева, Мавлуда Шомақсудова, Сабоҳат Кенжаева, Галина Баркаловалар олиб бораётган ишлар ҳақида фахрланиб гапиришди. Қайси боғчага борманг, тарбия

амалий машғулотлар, тўғараклар орқали олиб борилаётганлигини кўрасиз. Ҳар бир йўналишнинг ўз ташкилотчилари, та-

ТИЛ ТУРЛИЧА, ДИЛ БИТТА

шаббускорлари етарли. Чунончи, 27-боғчада Флора Исмоилова болаларга турли ўйинлар ўргатиш, уларда қўнимли ишлаш, ижодий изланиш кўникмасини ҳосил қилиш йўлида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётди. Болаларга турли маданий мерос ва халқ эртақлари асосида театрлаштирилган ўйинлар ўргатиляпти.

Аммо шаҳарда 8-боғчанинг ўрни ўзгача. Мана, йигирма йилки, бу боғча ҳар жиҳатдан энг намунали ҳисобланади.

Хотин-қизлар кўмиталарида

● ТОШКЕНТ

Туман хотин-қизлар кўмитасида навбатдаги йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қишлоқ фуқаролар йиғинларида иш олиб бораётган хотин-қизлар кенгашининг аъзолари ҳамда маҳаллалардаги педагог-тарбиячилар иштирок этишди.

Йиғилиш маҳаллаларда янгича, замонавий урф-одатларни турмушга кенг жорий этиш, турли серчиқим маросимларни қисқартириб ихчамлаштириш масалаларига бағишланди. Тўй ва бошқа маросимларни мазмунли ва ихчам ўтказиётган, аҳолининг барча қатламларида шунга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораётган маҳалла фаолларини рағбатлантириб, тақдирлаш чоралари белгилаб қўйилди. Голиб йил охирида аниқланиб, мукофотланади.

● ЗАНГИОТА

Туман хотин-қизлар кўмитаси раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишни яхшилаш, хотин-қизларнинг маънавий тарбияси ва ҳуқуқий билимларини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Зангиота қишлоқ, Ўзгариш қишлоғидаги Бобур, Хонобод қишлоғидаги Кумарик, Фурқат номли, Иттифок маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг бу борадаги ибратли тажрибалари алоҳида таъкидланди.

● ЧИРЧИҚ

Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг тиббий-ижтимоий ҳаёкатдаги шифокорлар гуруҳи билан ҳамкорликда 41-, 42- ва 43-маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларнинг болалари ва аёллари тиббий кўриқдан ўтказилишини ташкил этди. 64 нафар аёллар таклириб, уларга ўзларидан аниқланган турли касалликлардан даволаниш учун 11 турдаги дори-дармон бепул тарқатилди. Шунингдек, камқонлик билан хасталанган ўсмир қизларга шифокорлар томонидан турли маслаҳатлар берилди.

● БЎСТОНЛИҚ

Туман хотин-қизлар кўмитаси билан ФХДЁ бўлими ходимлари бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг турли босқичларини тушунтириш борасида ёшлар орасида суҳбатлар ўтказмоқда. Жумладан, навбатдаги шундай тадбирлар Хўжакент қишлоқ фуқаролар йиғини, Марказий ҳамда Наврўз маҳаллаларидаги оила қуриш ёшидаги йигит-қизлар ўртасида ўтказилди.

● ОҲАНГАРОН

Туман тадбиркор аёллар уюшмаси билан АҚШнинг бир қатор ишбилармон аёллари ўртасида амалий семинар бўлиб ўтди. Унда маҳаллий оимкор хотин-қизлар хорижлик аёлларнинг бизнес борасидаги ишлари билан батафсил танишдилар.

Семинардан сўнг, иштирокчилар туман тадбиркор хотин-қизлари раҳбарлик қилаётган савдо-сотик, бичиш-тикиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини бориб кўрдилар.

СЕМИНАРДА — ОЛИМАЛАР

Вилоятимизда фаолият олиб бораётган Олима аёллар уюшмаси туманларда бўлиб, хотин-қизлар ўртасида маънавият ва маърифат бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бормоқда.

Хусусан, гендер муаммоларини илмий ва ижтимоий жиҳатдан тадқиқ қилишни чуқурлаштириш, ёш авлодни тарбиялашда, оилани шакллантиришда, жамиятнинг ривожланишида аёллар ролини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, уюшма фаоллари иштирокида «Аёл — маърифат чироғи», «Аёл ва ижтимоий тараққиёт», «Ёшлар ва ҳуқуқ», «Билим олиш ҳуқуқи», «Аёллар ва раҳбарлик санъати» мавзуларида илмий-амалий семинарлар уюштирилди. Шунингдек, фанда янгилик яратаётган бир неча ёш олималарга фойдали илмий йўналиш ва тушунчалар берилди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

Ўз мухбиримиз.

Нишондорларимиз

КРАННИ «ЭГАРЛАГАН» АЁЛ

Касбга бўлган иштиёк, астойдил интилишлар ўзининг самарасини берди. Омина бу мўъжизавий касбнинг сир-асрорларини тезда ўзлаштириб олди. Бу борада устози Фофуржон Каримовнинг сабоқлари айниқса, салмоқли бўлди, у ҳайдовчиликнинг ўзига хос жиҳатларини мукамал ўргатди. Албатта, дастлабки йиллари бирмунча қийинчиликларга дуч келди, аммо, қизнинг мустақкам иродаси уларни мардона енгди. Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

— Эсимдан чиқмайди, баъзида юк кранининг ковуши айланиб кетар, уни тўғрилай олмай, жуда қийналардим, гоҳи йиғлаб ҳам олардим. Смена бошлиқларимизнинг: «Аёл бошинг билан нима

(Давоми. Боши 3-бетда).

қилардинг, бу ерда?.. Эпла-санг ишла-да!..» — деган таъна-дашномлари эт-этимдан ўтиб кетарди.

Ёшлик шижоати, қизлик гурури баланд келди унинг. Майда-чуйда гапларга парво қилмай, малакаси, тажрибасини ошириш устида тинмай ишлади, билмаганларини сўраб ўрганди. Ниҳоят, касбга бўлган эътиқод устун келди. Ҳозирда Омина опанинг ўзи ёш йигит-қизларга устозлик қилади, ишни энди бошлаётган шогирдларидаги истак-ҳавасни кўриб, ёшлик чоғларини эслаб кўяди.

Цемент комбинатидаги яратувчилик ишлари чиндан бир мўъжизанинг ўзи.

— Оминахон меҳнаткаш аёл, — дейди бирлашган кран хўжалиги цехи бошлиғи Махмуд Йўлдошев. — Йигирма беш йилдан буён бир жойда

меҳнат қилиб келаяпти. Унинг фидойилиги, жонкуярлиги, ёшларга ғамхўр ва меҳрибонлиги бағоят ибратли. Жамоада ҳам хурматга сазовор.

— Омина опа билан ёнма-ён меҳнат қилиб, хузур қиласан, киши, — дейди юк кўтариш кранининг катта машинисти Нурулло Абдуллаев. — Устоз кайфиятни тез тушунади, қўлидан келган ёрдами, маслаҳатини асло аямайди. Шунинг учун ҳам жамоамизнинг фахрига айланиб қолган.

Омина опанинг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. Президентимиз Фармонига кўра «Шухрат» медали билан мукофотланди.

Опани бугун кран машинасида шогирди Юлдузхон билан бирга кўриб ниҳоятда завқландик.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Шифокор минбари

Соғлиқни сақлаш, келажак авлоднинг сihat-саломатлигини муҳофаза қилиш мустақил давлатимиз миқёсидаги ижтимоий муаммоларнинг асосийси ҳисобланади. Сўнги йилларда қабул қилинган давлат дастурларида уларни ҳал қилиш чора-тадбирлари ўзининг тўлиқ аксини топган. Айниқса, 2002 йилнинг 5 июлидаги «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор диққатга сазовордир.

КАМКОНЛИК:

ВАҚТИДА ДАВОЛАШ ЗАРУР

Вилоятда яшаётган аҳолининг қарийб 26,5 фоизини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларни ҳар йили ўз вақтида, мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиш, касалликларини аниқлаш ва даволаш режа асосида олиб борилмоқда. Кўриқлар мобайнида аёлларимизнинг ярмидан

қон кетиш ҳолатлари кузатилади. Ачинарлиси шундаки, оналари камқонликка учраган чақалоқларда ҳам камқонлик кузатилади.

Аёл танида темир моддасининг меъёри 3-5 граммни ташкил этади. Бу ҳам аёлнинг вазнига, ёшига, қондаги гемоглабин миқдорига боғлиқ бўлади. Темир моддасига бўлган юқори талаб ҳомилдорлик, туғиш, эмизиш давларига тўғри келади.

Темир етишмаслик ҳолатларига эса сурункали қон йўқотишлар, темир моддаси кам овқатлар билан озқиланиш, ҳомилдорлик, туғиш, эмизиш даврида темир моддасининг кўп сарфланиши, танадаги йўғон ичакда гижжа, қурт паразитлари бўлиши, аёлларнинг тез-тез ҳомила ва бола кўриши сабаб бўлади.

Темир етишмаслиги билан боғлиқ камқонликда ҳолсизлик, иштаҳа йўқлиги, бош айланиши, юракнинг тез-тез уриши, уйқусизлик, соч тўқилиши, тирноқларнинг қуриши, таъмининг бузилиши каби клиник белгилар кузатилади.

Камқонликни даволаш учун дори-дармон воситалари жуда кўп. Уларни таблеткалар тарзида қабул қилиш, эт ичига ва қон томирларига юборишга мўлжалланган. Даволаш муолажалари камқонликнинг даражасига қараб турли муддат давомида ўтказилади.

Лекин, ҳаммамизга маълумки, касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш муҳим. Овқатларни ранг-баранг турда қилиш, дармон дориларга бой бўлишига эътибор қаратиш зарур. Ловия, гречка, нўхат, шолғом, картошка, ёнғоқ, олма, нок каби мева ва сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилиш лозим.

Биз овқатланиш жараёнида кўп иссиқ чой истеъмол қилмаймиз. Кўпчилик билмаслиги мумкин, чой темир моддаси билан биргаликда эримайдиган железотанинг бирикмасини ташкил этади. Бу бирикма эса, ичакларда темир сўрилишини кескин пасайтиради.

Шунинг учун тиббиёт ходимлари томонидан, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, ҳомилдорлар, ўсмирлар ва болаларга овқатланиш жараёнида чой бериш тавсия этилмайди. Ҳар хил мевалардан тайёрланган шарбатлар, мева қоқиларидан тайёрланган дамламалар ёки қайнатилган сув истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кўриб турганимиздек, камқонлик нафақат ҳомилдорлик, туғиш жараёнларида, балки туғилажак фарзанднинг саломатлигига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бунинг олдини олиш эса ўз қўлимиздадир.

Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ

Аккредитив (лотинча — *accreditivus*) — икки маънода ишлатилади. Биринчи ҳолатда бу тушунча банк ҳисобининг бир тури. Бунда аккредитив келишувчига аккредитив топшириғида кўрсатилган шартларда товар, ишлар ва хизматлар учун мажбурий бажарилиши заҳоти тўлов олиш имконини беради. Иккинчи ҳолатда аккредитив номланган қимматли қоғоз бўлиб, унда номи ёзилган шахсга кўрсатилган миқдордаги пулни банкдан ёки омонат кассадан олиш ҳуқуқини беради.

Бай пули — келишилган пулнинг бир қисми. Келишувчи томонларнинг бири иккинчиси билан шартнома тузганлиги ва унинг ижроси таъминланишининг далили сифатида бериладиган пул миқдори.

Демпинг (инглизча — *dumping*) — четга мол ташлаш. Молларни ички бозорга нисбатан ташқи бозорда ноқонуний равишда паст баҳода сотиш. Демпинг бозордан рақобатчиларни йўқотиш мақсадида ўтказилади. Бу фирром, баъзида чекланган усул бўлиб, ташқи бозорни эгаллашни кўзлаб амалга оширилади. Демпингга қарши, масалан, Австрияда 1962 йили антидемпинг қонуни жорий этилган. Унда товар демпингининг миқдори кўрсатиб берилган.

**ЧИНОЗДА ДАВРА СУҲБАТИ**

Тумандаги Кўтарма қишлоғида аёлларнинг «Бугунги қишлоқ аёли» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда маҳалланинг уй бекалари, ўқитувчилар, шифокорлар иштирок этишди. Йиғилишда онлани мустаҳкамлаш, қайнона-келин муносабатлари, фарзанд тарбияси масалалари теварагида қизгин

баҳс бўлиб ўтди. Онлани мустаҳкамлашда аёлнинг ўрни катта эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Туман хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган бу давра суҳбати қатнашчиларнда

саҳналаштирилган томошалар катта таассурот қолдирди. Оилавий ҳаёт, вояга етмаганлар билан ишлаш мавзулари акс эттирилган бу бадий қисми шу қишлоқдаги 22-ўрта умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчилари ижро этишди.

Ўз мухбиримиз.

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

Хурматли Оқил ота!

Арзи-ҳалимни ёзаяман. Ўзим етим ўсдим. Тошкентда ўқиб юриб, курсдошим Насиббахонга уйландим. Табиийки, ичкўевман. Ҳаммаси жойида-ку, лекин қайнонамнинг тергашлари, ортиқча панд-насихатлари жонимга тегаяпти...

Махмуджон.

Оқил отанинг жавоби:

Ҳаётингиздан умуман мамнунлигингиз хатингиз руҳдан сезилиб турибди, ўғлим. Сиз ёзган майда-чуйда панднасихатлар эса, асло зиёнингизга айтилмайди. Хафа бўлмангу, болалиқдан ота-она насихатини, уларнинг сўраб-суриштиришларини эшитиб ўсиш сизга насиб этмаган экан, чамаси шу боис қайнонанингизнинг гап-сўзлари сизга оғир ботаётгандир. Шу насихатлар мағзини бир қақиб кўринга! Улар нафсониятингизга тегиш учун эмас, балки ҳаётингизни яна ҳам мазмунли қилиш, оилада тўқисликни таъминлашни кўзлаб айтилаяпти. Демак, болалиқда бебахра бўлганингиз она меҳри энди сизга насиб қилибди. Қайнона ҳам — она. У кишининг оқила фикрлари, мулоҳазалари идрокингизни чуқурлаштиради. Шу боис, қайнона «терговларини» оғир олманг, балки ўзига яраша иш тутиб, гоҳи ҳолларда ҳазил-мутоиба билан енгиб кетаверинг. Лекин, ҳаммаша уқинг, асло шошилмасдан хулоса чиқаринг, шунда оилавий бахтингиз ҳам тўқис бўлади.

**БЕҲУДА РАШК ҚИЛМАНГ**

Мухтарам отахон, кўнглимга алам бўлиб ўрлаган дардимни ёзайми-ёзмайми деб кўп ўйладим. Охири ёзишга, бир маслаҳат олишга қарор қилдим. Турмуш ўртоғим ўқимишли, ақли расо йигит, ёш бўлишига қарамай катта бир идорада ишлайди. Бир-биримизни обдон синаб турмуш қурганмиз, ўғлимиз бўй чўзиб бораёпти.

Аламм, ҳасратим шуки, кейинги пайтда Собиржон акам бироз хаёлчан, безътиборроқ бўлиб қолдилар. Ички туйғу билан сезишимча, бир қизга боғланиб қолганлар. Нима қилишимни билмай, гарангман...

Ҳабибахон, Қўшқўрғон.

Оқил отанинг жавоби:

Қизим Ҳабибахон, асло гаранг бўлманг. Аксинча, огоҳ бўлинг. Танангизга бир ўйлаб кўринг: оилавий ҳаётингизда қандай камчиликка йўл кўйдингизки, турмуш ўртоғингиз Сизга безътиборроқ туюлмаяпти? Ахир, бир-бирингизни ёқтириб, ўзингиз ёзишингизча, обдон синаб-синалиб турмуш қургансизлар. Бундай ҳолларда ҳеч бир ўзгартириш эр кишида осон рўй бермайди. Собиржон акангиз сингари йигитлар шунчаки сузилиб боққан ҳар

бир қоракўз этагини тутиб кетавермайди. Бир ўйлаб боқинг-чи, нима хатога йўл қўйгансиз, сизнинг тими-солнингизда ётиқдошингиз нимасини йўқотиб қўйган экан? Шу саволга жавоб топиб, ўша нуқсонни, қусурни, жиндақкина хатоликни, бартаф этсангиз, олам — гулистон. Зеро, эркак киши хонадонда йўқотиб қўйган нарсасинингизга четдан қидиради. Буни ҳаммаша ёдингизда тутинг. Лекин, зинҳор-базинҳор, аниқ билмай, у кишини бошқаларга рашк қилиб, гап-сўз чиқарманг.

Улар ҳақида кам ёзилади

Бахт бамисоли бир машъала. Бу кўхна заминда одам боласи пайдо бўлибдики, нурга, ёруғликка, илиқ-иссиқликка интилиб яшайди. Уларнинг ўлчамлари беқиёс. Этишганинг сари, манзилнинг ортидаги машъала порлоқроқ, ёрқинроқ туюлаверади ва сен мудом истиқболга интилаверасан, интилаверасан, интилаверасан...

Инсон боласи ўз бахти сари мудом интилишда. Шоир айтганидек, уни ўз қўли билан яратиб, қалбида яна нималаргадир интиқлик сезади ва олдинда ярқираб кўринган шуълага бутун вужуди билан интилаверади.

Мана икки соатки, рўпарамда ўтирган, жўшиб-тошиб гапирётган ёшгина жувон — икки қизнинг онаси, «қўли гул» жарроҳга, унинг сўзларига мафтун бўлиб ўтирибман. Гапираяпти-ку, кўзларида таърифлашга қалам ожиз бир шуъла порлайди. Чехрасида ҳозиргина ўнинчи синф хонасидан чиқиб келган ўсмир бир қизгинанинг кўриниши, кулгичлари ўйнаб турибди. Гоҳ кулиб, гоҳ юзида ўзига ярашиб тушган бир маъсумалик билан сўзлаяпти...

— Гоҳи-гоҳи ўйлаб кетаман, — дейди Гулнора. — Мен бахтлиманми? Ва, ўзимга-ўзим жавоб бераман: «Ҳа, бахтлиман!».

Ҳикоя. Гулнора Тошкент вилоятининг кончилар шаҳарчаси — Красногорскда таниқли геолог оиласида туғилди. Нурия опа билан Маъдихон ака тўрт қиз, бир ўғилни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказишди. Ўғил-қизлар ота касбига муҳаббат қўйиб ўсишди, аксарияти шу касбни эгаллашди.

Гулноранинг истиқболи хусусида ҳам ота-она бир фикрда эди: «Геолог бўлади!». Лекин, болаликданок унинг орзуси бўлакча бўлди. У шифокор бўлмоқчи, шунда ҳам жарроҳлик ихтисосини эгалламоқчи эди.

— Биринчи синфда ўқиётган кезларим адам бетобланиб, операция бўлдилар, — эслайди Гулнора. — Ойим мени ёнларига олиб, бутун операция давомида касалхона йўлагига ўтирганлари яхши ёдимда. Бир пайт ичкаридан доктор чиқиб келди, бизга яқинлашди-да, ҳорғин жилмайиб: «Ҳаммаси яхши бўлади, опа», — деди. «Хирург, адангни шу киши операция қилди», — дедилар ойим. «Хирург» — шу сўз миямга ўрнашиб қолди. Иттифоқо эртаси куни ўқитувчимиз «Ким бўлсам экан?» мавзусида эркин иш ёздирди. Мен ёзма ишни ички бир иштиёқ билан: «Хирург бўламан», — деб бошладим ва болалик шуурим билан бу касб одамларга умр, ҳаёт бағишлашини ўзимча таъкидлаб ёздим...

Мактабни «аъло»га битириб, Гулнора ТошМИга ҳужжат топширди. Биринчи имтиҳондан «аъло» баҳо билан ўтди. Иккинчи имтиҳон кези ўқитувчи билан бир фикр устида тортишиб қолиб, шу йили ўқишга кира олмади. Аммо, мақсад билим даргоҳидан ташқари қўймади қизни. Паталогик физиология кафедрасининг мудирини Нусрат Абдуллаев уни ўз кафедрасига ишга олди. Шу бир йиллик иш унинг орзусини яна ҳам қатъийлаштирди. 1979 йили ўқишни бошлади. У биринчи курсданок талабаларнинг илмий тўғараги машгулотларига бутун вужуди билан шўнғиб кетди. Улар операцияларни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашишарди. Машгулотлар айна қизгин кези Маъдихон ака қазо қилиб қолдилар. Гулнора қайғуда юрган кунлари ёш ўқитувчи Тохир Иноғамов далда бериб:

— Бардам бўл, ўзингни қўлга ол, — деди. — Ишга кир.

Гулнора кундузлари ўқиб, кечалари тўқимачилик комбинатининг шифохонасида, жароҳатланганларни даволаш бўлимида ҳамшира бўлиб иш бошлади.

— Устозлардан омадим келган, — бироз ўйлаб ўтириб деди Гулнора. — Шу шифохонада Босит Охунжонов, Василий Девятов, Александр Новокришинов каби тажрибали жарроҳлар ишнинг кузатдим. Ажойиб жарроҳ Восит Воҳидовичдан сабоқ олдим. Ўқишни битирганимдан кейин Тожикистон Республикасидаги ўрта машинасозлик корхоналарига хизмат қилувчи шифохонада,

жарроҳлик бўлимининг мудирини Зоя Дмитриевна Лисак қўлида иш бошладим. Талабаларнинг илмий тўғарагидаги ишларим мобайнида илм йўлидан боришга аҳдим кучайганди. Аммо, ҳаётини жарроҳлик

ЖАРРОҲНИНГ НОЗИК ҚУЛЛАРИ

Улар нозик бўлса-да, кўпчиликка қайта ҳаёт ато этмоқда



амалиётига бағишлаган Зоя Дмитриевна билан ёнма-ён ишлаш фикримни ўзгартирди. Беш йил бирга ишладик. Шу ерда ўзимни жарроҳ деб ҳис қилдим, тажриба, малака орттирдим.

Қайдномадан: Гулнора Валломхонова 1990-93 йиллари Москвадаги 6-шифохонанинг хирургия кафедрасида клиник ординатуранинг ўтади. Юқори малакали жарроҳлар Юрий Владимирович Финогенов, Юрий Викторович Исаевлар билан ёнма-ён ишлаб, бой тажриба орттирди. 1993 йилдан Тошкент шаҳридаги 1-стационарда навбатчи врач бўлиб ишлади.

1993 йил кўкламида Қўрай туман марказий шифохонаси жарроҳлик бўлимининг мудирини Тохир Аббасович Иноғамов бирга ишлашга таклиф қилди.

— Бўлимда нуқул эркак жарроҳлар орасига тушиб қолдим, — кулимсирайди Гулнора ўн йиллик воқеаларни эслаб, — «Бир аёл жарроҳ келибди-да», — дейишди ҳам. Аммо, ишларимни зимдан кузатиб, бир ой ҳам ўтиб-ўтмай йигитлар юмшашди.

Жамоа жуда яхши, изланувчан. Уни Тохир Иноғамов шакллантирган. Ҳозирги бўлим мудирини Ақром Баратович Аҳмедов, Сергей Николаевич Ли, Ҳасан Исмаилович Ҳасанов каби жарроҳлар ниҳоятда тажрибали, ўз ишига меҳри баланд мутахассислар. Ҳеч бир жарроҳ амалиёти ҳамширалар иштирокисиз ўтмайди. Маҳтума опа, Шоира опа, Гулчехра, Раъно, Лобарлар уларнинг яқин ёрдамчилари.

Қўрай шифохонасининг довуғи ўзгача. Унга ҳийла муддат раҳбарлик қилган бош шифокор Ҳикмат Исамухамедов яқинда туман ҳокимининг ўринбосарлигига тайинланди. Бугун бош шифокор вазифасини бажарётган Флора Мираҳмедова тажрибали терапевт. Ҳар бир жарроҳлик амалиёти терапевт ва реаниматологларнинг яқин ҳамкор-ҳамнафаслигида ўтади. Шу жиҳатдан ҳам Гулнора Наргиза Саримсоқова, Сергей Анатольевич Цельбель, Карим Срочев, Равшан Турдиевлар билан ҳамкорликда ўтказилган ноёб-ноёб операцияларни, кўзлари чақнаб хайрлашган кечаги беморларни кўп-кўп эслаб ўтирди.

— Беморнинг ҳаётга қайтиши фақат жарроҳлик амалиётига боғлиқ эмас, — дейди жиддий туриб Гулнора. — Кўп нарсани операциядан кейинги муолажа жараёни белгилайди. Шу боис бизда реанимация бўлимининг иш даражасини юқори тутишга эътибор катта. Шукрки, ўлим камайиб бораёпти. Гоҳи беморнинг аҳоли оғирлашиб қолса, дарҳол жамоат жам бўламиз: «Қаерда хато ўтди?». Шу саволга бамаслаҳат жавоб излаймиз.

Сухбатимиз чўзилиб кетди. Бот-бот шифокорлар ёки ҳамширалар кириб, Гулнорага шошилинч муружаат қилиб қолишади.

— Узр, ака, — дейди жарроҳ шундай пайтларда. — Бир зумгина...

Бирор фурсат ўтган, хонага қайтади-да, бурчакда қўлларини юва туриб:

— Бизнинг ишимиз шунақа, — деб қўяди.

Шунча суҳбатлашиб, ишларини кузатиб, бирор маротаба унда малоллик сезмадим. Гоҳи кулимсираб, гоҳи маҳзун бир алфозда ҳаётини эслаб ўтди ҳамки, умумий ҳолати — ҳаммаша чорловларга тайёрлигини йўқотмади.

— Энди, ака, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, — деди хайрлашаётганимизда. — Бахтлиманми?

Қаршимда — оқ халатли, кўкиш қалпоқчасини қошлари устига бостиринқираб кийиб олган жарроҳ. Унинг бутун қиёфасида жонсарақликка ўхшаш бир ҳислат. Бутун умр одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, операция столида ётган беморнинг қаддини тиклаб, соғайиб, яқинлари бағрига қайтишига эришиш учун кураш унинг юриш-туришига «ўз муҳри»ни туширган. У гапираяптику, нозик бармоқлари тинмайди, доимо ҳаракатда.

Тиғ тутувчи бармоқлар.

Инсонларга жон ато этувчи бармоқлар...

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: жарроҳ Гулнора Валломхонова (юқоридан) операция пайтида (ўртада) ва оила даволасида (пасида).

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Савол беринг, жавоб берамиз

Саволга Ўзбекистон касаба уюшмалари Тошкент вилояти Кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда ЕФИМОВА жавоб беради

Газетанинг шу йил 18 октябрь сонида бошлиқ ходимни штат қисқараяпти, деган баҳона билан истаган вақтида бўшатиши ноқонуний эканлиги ҳақида ўқидик. Илтимос, қандай ҳолатлар штат қисқартирилиши учун асос бўлиши мумкин, шуни тушунтириб берсангиз.

**Сабоҳат Луқмонова,
Янгийўл шахри.**

— Қисқартиришлар ҳодимлар сони (штатлар жад-

вали) ёки иш хусусияти ўзгариши муносабати би-

лан амалга оширилиши мумкин. Бу меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмининг биринчи бандида кўзда тутилган.

Гап шундаки, иш берувчи бу ўзгаришларни қонун йўли билан асослаши, ҳужжатлаштириши керак. Аксинча, ўз билганича, иста-

ган вақтида шундай ўзгаришлар баҳонаси билан ҳодимни бўшатиб юбориш асло мумкин эмас.

Ҳўш, қандай ўзгаришлар штат қисқартиришларини қонунга биноан амалга ошириш учун асос бўла олади?

Технологияларда ўзгариш қилиниши ишловчилар қисқартирилишига олиб келувчи биринчи сабаб бўла олади. Иккинчидан, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш ҳам штат қисқар-

тирилиши (ўзгартрилиши) учун қонуний асосларни келтириб чиқаради. Иш ҳажмларининг ўзгариши ҳам ишловчи билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун қонуний асос ҳисобланади.

Шундай қилиб, айна шу сабаблар ходимлар миқдори (штати), ишларнинг хусусиятлари ўзгаришини келтириб чиқариши, бинобарин, меҳнат муносабатларини шу асосларда тугатишга олиб келиши мумкин.

РҲЙХАТДА 30 АЁЛ

Ким ақллироқ: Аёлми? Эркакми?

Бу — азалий жумбоқ. Жавоб гоҳ у-гоҳ бу томон фойдасига бўлади. Уй-рузгор, оила теварагида сўз борганида, аёллар ўстунлиги шубҳасиз. Аммо, касбий йўналишларда эркаклар олдинда. Олайлик, АҚШ физика профессорлари орасида аёллар уч фоизни ташкил этишади. Овозаси етти иқлимга машхур Гарвардда аёлларни профессурага йўлатишганига энди тўрт йил бўлди. Тўрт юз Нобель мукофоти соҳиблари орасида бор-йўғи тўққиз аёл бор. Физика соҳасида эса фақат Мария Кюри бу мукофотга сазовор бўлган.

аёллар номини жуда оз учратамиз.

Буюк олима София Ковалевская фанда ўзгариш ясади. Швеция фанлар академиясининг мукофотини топшириш чоғида академиянинг барча аъзолари бир овоздан олиманинг чуқур билими ва бетакрор илмий натижаларинингиз эмас, балки ноёб ақлзаковатини ҳам қайд қилиш-



Ўша даврлардан буён кўп сув оқиб ўтди, аммо ўз но- зик елкаларига тарих юкни олган ва уни олға силжитган

ган эди. София Ковалевская математика соҳасида жаҳон олимларини лол қолдирган кашфиётлар, бир неча нас-

Аслида аёллар қачондан бошлаб илм-фан билан шуғулланишган? Бугун биз бу саволга ҳеч иккиланмай: «Тўрт минг йил илгари», — дея жавоб бера оламиз. Чунки, эраминдан олдинги 2354 йилга оид ёзма маълумотномада олима Эд Хедуъ Аннанинг номи қайд қилинган. У Бобилда ҳукм сурган сарғонийлар сулоласининг қизи бўлиб, Ой ибодатхонасининг бош роҳибаси этиб тайинланган. У замонларда Бобил ибодатхоналарида илмий ишлар ҳам олиб борилиб, улар ҳузурда расадхоналар қурилган, риёзиёт бўлимлари ривожланган. Аннанинг 48 та шеърини асари бизгача етиб келган. У пайтлари шоҳлар ўз ҳукмларини ибодатхона орқали амалга оширар эди.



БЕКАЖОН

Арчилган картошкани узоқ вақт сувга солиб қўйманг. Акс ҳолда таркибидаги крахмал ҳамда турли дармондорилари қисман сувга чиқиб кетади.

Бодринг, редиска, помидор, янги сабзи ва бошқа сабзавотларни арчмай истеъмол қилиш керак. Шунда улар тез ҳазм бўлади ва кўпроқ фойда беради.

Сўлиб қолган кўкпиез, кашнич, укроп ва ҳоказоларни сиркали сувга ботириб қўйсангиз, аввалги ҳолига қайтади.

Картошка котлети пиширмақчи бўлсангиз, унинг масаллигига ичимлик содаси қўшилса, қавариб ва юмшоқ бўлиб пишади.

Пичоқни бир оз сувлаб, пиез тўғрасангиз, кўзингиз ачишмайди.

Шўр бўлиб қолган овқатга икки-уч дона хом картошка солсангиз, шўрни тортиб олади.

Пардоз санъати

• Юзни ва сочни, иложи бўлса, қор ёки ёмғир сувида ювиш керак. Бундай сувлар бўлмаган тақдирда, оддий сувнинг бир литрига ярим чой қошиқ борат кислотаси ёки бир ошқошиқ глицерин ёхуд ярим чой қошиқ ичимлик содаси қўшиб ювган маъқул. Бундай сув таркибида тузлар бўлмагани

учун терини яллиғлантирмайди. Юз уй ҳароратидаги сув билан ювилса, тери таранг тортилади ва чиройли кўринади. Юз иссиқ сув билан ҳафтада бир марта ювилса кифоя.

Юз-қўллар ҳамшиша иссиқ ёки совуқ сувда ювиб турилса, у терига ёмон таъсир қилиши мумкин. Иссиқ сув терига қон томирларини кенгайтириб юбориб, қон айланишини бузади, қизил хуснбузар ва бошқа тошмаларни пайдо қилади. Совуқ сув эса қон томирларини тарайтириб, терининг меъёрда озикланишини бузади ва хуснбузар, экзема, дерматив каби касалликларни келтириб чиқаради. Шу боис, юз-қўл ва сочни илиқ сувда ювган фойдали.

• Терини тозалаш учун совун доим ишлатилди. Унинг кўпиклари тери устидаги кирни, микробларни ювиб, мугуз қаватни нобуд бўлган ҳужайралардан халос этади. Совун терини қуриши хусусиятига эга, табиийки, бадани қуруқ кишилар доимий унда ювинишлари зарарлидир. Териси ёғли бўлганлар эса кунига бир марта иссиқ сув билан ювинишлари керак.


• Аксарият ҳолларда қуруқ терини юмшатиш мақсадида кремлар қўлланилади. Кремнинг

турлари жуда кўп. Уларни шифокор маслаҳати билан танлаш ва қўллаш лозим. Акс ҳолда таркибидаги симоб, салицилат кислотаси терини яллиғлантдириб юбориши мумкин. Крем массаж чиққариши йўналишида суртилади. Кечқурун уйкуга ётишдан 1-1,5 соат аввал ва эрталаб юз-қўлни илиқ сув билан ювган, крем суртилади-да, 10-20 минутдан кейин пахта билан артиб ташланади.

ГҲЗАЛЛИК ҲИКМАТЛАРИ

ТЕЛЕВИЗОРНИ ҚАНДАЙ КҲРАСИЗ?!

Ҳа, телевизор кўришни яхшилаб ўрганиб олган маъқул. У саломатлигингизга зиён етказмаслиги учун телекўрсатувлар томошаси чоғида муайян қоидаларга риоя қилиш керак.



БИРИНЧИ ҚОИДА — ТЕЛЕВИЗОРДАН УЗОҚРОК БҲЛИНГ

Телевизорни 2-3 метр олицдан кўришни одат қилинг. Ёруғликка ҳам эътибор зарур.

Телевизорни асло хонани тамомила қоронғилатиб кўриш керак эмас. Бирор кучсиз лампани, торшер ёки стол лампасини ёқиб қўйган яхши. Шундай бўлсинки, ундан экранга ёруғлиқ тушмасин. Куёшли кунларда деразага енгил парда тутиб қўйиш фойдали.

ИККИНЧИ ҚОИДА — ТОМОША ЧОҲИДА ОВҚАТЛАНИШДАН САҚЛАНИНГ

Ҳеч қачон овқатланиш пайтлари телевизор кўрманг. Бу билан ошқозонингизга қанчалик зиён етказаетганин-

рий ва сахна асарларининг муаллифи эди.

Москва Давлат университети солномасида ҳарбий жасорати билан танилган хотин-қизларнинг номлари битилган. Улар 1941 йил сентябрида Марина Раскова даъватига кўра, жанговар самолётларни бошқариб, фашистларга қарши жангга киришишди. Беш аёл Уруш қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди. Жанговар учувчилар Евгения Руднева 645, Евдокия Пасько 780, Руфина Гашева 848, Екатерина Рябова 890, Полина Гельман 857 маротаба ҳавога кўтарилиб, душман билан жанг қилишди. Қаҳрамон аёллардан тўрттаси урушдан кейин таниқли педагог олималар бўлиб етишишди.

Инсонлар ҳамшиша ўз эҳтиёжига йўналган илм-фан равнақиға муҳтожлик сезиб яшайдилар. Айни шу соҳаларга хотин-қизлар катта ҳисса қўшишлари мумкин. Буни жаҳон ҳамжамияти сўнги йилларда, айниқса, яққол ҳис қила бошлади ва келгусида хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни масаласига янгича ёндошув сари юз тутди. Чунончи, «Wall Street Journal Europe» журнали Европа бизнесида энг нуфузли 30 аёл рўйхатини эълон қилди. Ҳайъат уларни 150 даъвогар орасидан танлов асосида саралаб олди.

Аёллар ўзларини намоён этишяпти. Бу — қандай яхши!

ДЕЙДИЛАР...

*Оналарнинг оёғи
остидадир,
Равзаи жаннату
жинон боғи.
Равза боғи висолин
истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин
туфроғи.
Алишер НАВОИЙ.*

Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Жан ПОЛЬ.

Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мард-лигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўригига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ж. РЕСКИН.

Ҳамма ерда ва ҳамшиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати камтарликдир.

Н. КАРАМЗИН.

Эркак ва аёл муҳаббати — бу ихтиёрий келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо, аёл она бўлгач, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Г. МОПАССАН.

Муҳаббат худди яшиндай шиддатли. Лекин у чақмоқсиз ёритади, унинг энг кучли зарбалари ҳам одамга куш ёқади.

М. ЛОМОНОСОВ.

Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса гамгин бўлиб қолар эди.

П. БУАСТ.

Қилич тутган

саркардадан

Игна ушлаган аёл

афзалдир.

(Шарқ

ҳикматларидан).

гизни хаёлингизга ҳам келтиролмайсиз. Сиз шунчаки экранда кечаётган воқеаларни кузатаётганингиз йўқ. Балки, воқеалар таъсирида беихтиёр ҳаяжонланаяпсиз, қайғураяпсиз ёки эзилиб-тўкилиб ўтирибсиз. Ҳар қандай ҳаяжон ошқозон ишини бузади, натижада овқат росмана ҳазм бўлмайди.

Телевизор кўриб туриб овқатланишга одатланиш ошқозон яраланиши ёхуд семиршга мойилликни келтириб чиқариши мумкин. Томоша билан овора бўлиб, киши овқатланиш меъерини унутиб қўяди.

УЧИНЧИ ҚОИДА — ЭКРАН ҚАРШИСИДА ТҲҲРИ ҲТИРИНГ

Диванда узала тушиб, крес-

лода ястаниб олиб телевизор кўриш ҳам зиён. Эртами-кечми бу танангизга асорат беради. Қанчалик қийин бўлмасин, стулга ўтириб, елкангизни тик тутиб, бошингизни олдинга энкайтирмасдан, тўғри тутиб телевизор кўринг. Токи, бошингиз умуртқа суягингизга нисбатан тўғри турсин.

Оқшом давомида шундай ўтириш ҳам қийин. Томоша мобайнида уч-тўрт марта стул ўрнини ўзгартиринг. Энг муҳими, экранга нисбатан ўткир бурчак остида ўтиришдан сақланинг. Бу кўзга зарар. Агар кўзингиз толиқа бошлаганини сезсангиз, 20-30 секунд уларни очиб-юмиб туринг ёки қисқа муддат кўзларингизни юмиб ўтиринг. Шунда томирлари бўшашиб, кўзингиз дам олади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Асосий кутубхона тарихи мамлакатимиз фани ривожидан чамбарчас боғлиқ. Бу ерда кўплаб таниқли олимлар, давлат арбоблари ўз билим ва тафаккурини юксалтирган ва бу жараён ҳамон давом этмокда.

Бугунги кунда кутубхона жамгармаси 5 миллиондан зиёд нашрни ташкил этади. 130 нафар ходим китобхонларга беминнат хизмат кўрсатмокда.

Зиё масканининг хазинаси мамлакатимиз олимларининг илмий изланишларидан ташқари жаҳон илм-фани намояндлари тадқиқотлари акс этган адабиётлар билан ҳам тўлдирилган. Кутубхона Фанлар академияси тизимидаги ўттизга яқин шундай муассасалар учун ил-

Зиё маскани

мий-амалий ва услубий марказ сифатида хизмат кўрсатиб келмокда.

Кутубхона жамгармасида сақланаётган илмий нашрлардан академия тизимидаги ходимлардан ташқари, олий ўқув юртлири ўқитувчи ва талабалари, тиббиёт, адабиёт ва санъат намояндлари, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида ишлаётган мутахассислар ҳам фойдаланди.

Кутубхона хазинасини жамлаш ва сақлаш ишларини такомиллаштириш, китоб ихлосмандларининг адабиёт ва зарур ахборотга бўлган талабини қон-

дириш доимий эътиборда. Уларга янги технологиялар асосида хизмат кўрсатиш мақсадида 1994 йилдаёқ иш жараёнларини автоматлаштириш ва адабиётларнинг электрон каталогини яратишга киришилган эди.

Ҳозир у маҳаллий компьютер тармоғига эга бўлиб, янги адабиётлар электрон каталоги шаклланиб бормокда. Унинг базасида 28 мингга яқин китоб ҳақида маълумот мавжуд. Кутубхона компьютерлари Интернет тармоғига уланди.

Янги технологияларни иш жараёнига татбиқ этувчи АЙ-СИС-НИТ ассоциацияси,

Ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари фанлар академиялари кутубхона раҳбарлари кенгаши билан изчил алоқа йўлга қўйилган.

Зиё масканида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб ўқув марказига эга бўлган "Автоматлаштирилган кутубхона модели" ҳамда "Академик кутубхоналар консорциуми" лойиҳаси амалга оширилди. Хорижий грант асосида бажарилган лойиҳа туфайли академиянинг беш илмий тадқиқот институти олимлари кутубхона ахборот ресурсларидан ўзларининг компьютерлари ёрдамида фойдаланиш имконига эга бўлди.

Шу кунларда Асосий кутубхона жамоаси ҳам Фанлар академиясининг 60 йиллик тўйини муносиб нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрмокда.

Б. ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

«ЛАСЕТТИ» ЕВРОПАДА

Германиянинг Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган автокўргазмада Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «ЛАСЕТТИ» машинаси кўпчиликнинг диққатини тортди, дея ёзмақда «Русский курьер» газетаси...

Мақолада янги «Ласетти»нинг ўзига хос жиҳатлари, техник тавсифлари ва «ЎзДЭУ-авто» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Шунингдек, муаллифнинг таъкидлашича, «Матиз» машинаси ҳам яқин орада Европа бозорларига чиқарилиши кутилмокда. Мақолада ёзилишича, аввал унинг қиш ҳавосига қанчалик чидамлилиги синалади.

Даврон АБДУЛЛАЕВ.

142 КИЛОМЕТРЛИК АВТОПОЙГА

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан автопойга бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 64 спортчи иштирок этди.

Пойтахтда старт олган ўттиз икки автомобил Тошкент вилоятининг умумий фойдаланиш йўллари бўйлаб 142 километрли масофани босиб ўтди. Қўшимча баҳслар таркибига эса автомобилга техник хизмат кўрсатиш ҳамда қисқа вақтда автомобил ғилдиракларини алмаштириш каби мусобақалар киритилди.

Пойтахт вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тошкент вилояти спортчиларига, учинчи ўрин эса андижонлик автопойгачиларга насиб этди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Республика киночилар уйида "Ўзбеккино" давлат акционерлик компанияси ва Швейцария тараккиёт бюросининг "Қайта тикланган сўхбатлар" лойиҳаси доирасида Марказий Осиё давлатлари ҳужжатли кино усталари томонидан сўнгги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилди.

ФИЛЬМЛАРИМИЗ ШВЕЙЦАРИЯГА БОРАДИ

Истиклол йилларида мамлакатимиз ҳужжатли кино ижодкорлари ўз асарларида юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараёнларни, мавжуд воқеликни кенг кўламада қамраб олишга интиломқда. Бу жараён тадбир доирасида намойиш этилган "Қоракўл", "Авесто", "Отбеги" каби фильмларда ҳам ўз ифодасини топган.

Марказий Осиё давлатлари киночилари томонидан яратилган ана шундай юксак савиядаги ўнта фильм 2004 йилда Швейцарияда бўлиб ўтадиган Халқаро ҳужжатли фильмлар кинофестивалида иштирок этади.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ИККИНЧИ ДАВРА БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ

Футбол бўйича келаси йили Хитойда бўладиган Осиё чемпионатининг "А" саралаш гуруҳидан жой олган Ўзбекистон, Тожикистон, Таиланд ва Сянган (Гонконг) терма жамоалари иккинчи давра учрашувларини бошлади. Унга Таиланд пойтахти — Бангкок мезбонлик қилмокда.

Саралаш гуруҳининг 6-10 ноябрь кунлари Тошкентда бўлган биринчи давра беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси пешқадамликни қўлга киритган эди. Сянганни 4:1, Таиландни 3:0 га енгиб, Тожикистон терма жамоаси билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаган футболчиларимиз етти очко жамгарганди.

Бош мураббий Равшан Ҳайдаров иккинчи давра учрашувларига Европа чемпионлар лигасининг навбатдаги беллашувларига "Динамо" (Киев) ва "Локомотив" (Москва) клублари таркибига тайёргарлик кўраётган М.Шацких, В.Маминов ҳамда О.Пашининни жалб қилмади. Лекин уларнинг йўқлиги терма жамоамиз ўйинига унчалик таъсир ўтказмади. Бу Тожикистон терма жамоаси билан кечган иккинчи учрашувда яққол намоён бўлди. Тошкентда бўлган ўйин давомида терма жамоамиз ҳужумини қайтарган тожикистонликлар, Таиландда футболчиларимизга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатолмади.

Вакилларимиз саралаш гуруҳидаги асосий рақибга айланган тожикистонликларни иккинчи даврада йирик ҳисоб билан мағлубиятга учратди. Моҳир

ҳужумчи В.Шишелев икки мартаба, Л.Кошелев ва Т.Копадзе бир мартадан Тожикистон дарвозасини аниқ нишонга олиб, терма жамоамизнинг 4:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлашди. Эътиборлиси, В.Шишелев гуруҳ баҳсларидаги тўртта учрашувнинг учтасида рақиблар дарвозасини икки мартадан ишғол қилиб, уч мартаба "дубль"га эришди. Ҳозир моҳир ҳужумчи олтига гол билан гуруҳ тўпураки бўлиб турибди.



Зоҳир ТОШХУҲАЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ТАООТ «СПОРТ МОЛЛАРИ» СООБЩАЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ОТКРЫТОГО ОБЩЕСТВА «СПОРТ МОЛЛАРИ»

Наблюдательный совет ТАООТ «Спорт моллари» сообщает, что 21 ноября 2003 года в 14.00 в зале заседаний общества по адресу:

г. Ташкент, ул. Шохсанам, 85 состоится внеочередное общее собрание акционеров общества «Спорт моллари».

Регистрация участников и делегатов будет производиться 21 ноября 2003 года в 10.00.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение изменений и дополнений в Уставе акционерного общества подготовленного в соответствии с требованиями Указа Президента РУз от 24.01.2003 г. УП-3202.

Регистрация акционеров закрыта по состоянию на 21.11.2003г.

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2003 йил 7 ноябрдаги 11-03-15/360-сонли иши ажримига асосан, Ангрен шаҳрида жойлашган «4-Ангрен темир-бетон маҳсулотлари» акционерлик жамиятига нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва ишни суд мажлисида кўриш 2003 йил 28 ноябрь соат 12.00 га белгиланган.

Шу муносабат билан 2003 йил 20 ноябрь соат 11.00 да «4-Ангрен темир-бетон маҳсулотлари» акционерлик жамияти биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-07-05, 131-91-20.

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2003 йил 7 ноябрдаги 11-03-05/1368-сонли иши ажримига асосан, Паркент туманида жойлашган «1-сонли кўча механизациялашган колонна»га нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг (янги таҳрири) 28-, 62-, 65-моддаларига асосан Қузатув жорий қилиниб, Тошкент вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси мутахассиси Кунишев Олим Бозорович муваққат бошқарувчи этиб тайинланган. Шу муносабат билан «1-сонли кўча механизациялашган колонна» биносида 2003 йил 21 ноябрь соат 11.00 да кредиторлар йиғилиши ўтказилади. Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани, «1-сонли кўча механизациялашган колонна» биноси.
Маълумот учун телефонлар: 132-07-05, 8-298-3-11-34.

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2003 йил 14 ноябрдаги 11-03-15/364-сонли иши ажримига асосан, Янгийўл шаҳрида жойлашган «2-сонли кўча механизациялашган колонна»га нисбатан банкротлик иши қўзғатилган ва ишни суд мажлисида кўриш 2003 йил 3 декабрь соат 12.00 га белгиланган.

Шу муносабат билан 2003 йил 1 декабрь соат 11.00 да «2-сонли механизациялашган колонна» биносида кредиторлар йиғилиши бўлиб ўтади. Барча кредиторлар ваколатномалари билан қатнашиши шарт.

Манзил: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Холниёзов кўчаси, 1-уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-07-05, 8-260-2-47-17.

РАМАЗОН МУТОАЛАСИ

Машхур донишманд Бузуржмеҳрдан:

— Инсоф нима? — деб сўрадилар.

— Инсоф — одам ўзига нима раво кўрса, бошқа кишига ҳам шуни раво кўришидир, — деб жавоб берибди.

— Энг яхши одам ким? — деган саволга:

— Ақлли одам, — деб жавоб кайтарибди.

— Қандай кишини ақлли одам деса бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

— Билимни нима нарса бекзайди? Шижоатни-чи, сахийликни-чи? — деб сўрадилар.

— Билимни — тўғрилиқ, шижоатни — авф қилишлик ва сахийликни очиқ юзлилик ва ширин сўзлик бекзайди.

— Инсоннинг ҳаётда энг муҳим орзу-тилага нималардан иборат?

— Сихат-саломатлик, фаровон турмуш ва хотиржамлик, — деб жавоб қайтарди донишманд.

Бузуржмеҳр ҳаким айтади:

— Устозимдан: «Йигитликда нима қилиш яхшироқ бўлади, қарилликда-чи?» — деб сўрадим.

Устозим айтди:

— Йигитликда илм-хунар ўрганиш, қарилликда эса амалга келтиришдир.

Шайх Саъдий айтади:

Бир қанча донишмандлар Ануширавон саройида бир муҳим масалани ҳал этиш ҳақида маслаҳат қилардилар. Уларнинг бошлиғи Бузуржмеҳр жим ўтириб, донишмандларнинг маслаҳатларига аралашмасди. Донишмандлар Бузуржмеҳрдан:

— Нега сиз бизнинг маслаҳатимизга аралашиб, ўз фикрингизни айтмайсиз? — деб сўрадилар. Бузуржмеҳр донишмандларга шундай жавоб берди:

— Вазирлар худди табибларга ўхшайдилар. Табиб касал бўлмаган одамга дори бермайди. Ҳал этишни истаган масалангиз устида айтган фикрларингизнинг тўғри эканини билиб турибман. Шунга кўра у масала устида бир фикр айтишим ҳикматдан эмасдир.

НИНАЧИДАН ЎТАДИГАНИ ЙЎҚ

Сизнингча қайси жонивор еб тўймас? Балки, арслон ёки бўри-да, деб жавоб берарсиз? Яна кимдир ўйлаб туриб, қушлар бўлса керак, чунки, уларнинг баъзилари кунига тутиб ейдиган ҳашаротларни ўз вазнига тенг келади, дейиши мумкин.

Бироқ, дунёда энг еб тўймас мавжудот ниначи эканлиги ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаса керак. Ҳа, худди шундай экан.

Ниначи икки соат ичида 40 та пашша ва майда чивинларни паққос тушираркан. Дала ва боғлар узра учиб юриб, қанчадан-қанча зараркунандаларни қириб фойда келтирса-да, зиён томони ҳам бор. Чунки, личинкаси майда балиқларни еб, балиқчиликка зарар келтиради.

Ниначи ер қуррасида кенг тарқалган бўлиб, унинг уч мингдан ортиқ тури маълум. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги худудида эса, 200 га яқин тури бор.

Тақдимотдан кейинги ўйлар

Оналарнинг энг улуғ бир ниятлари бор. У ҳам бўлса, фарзандлари фазлу камолотда тенги йўқ, ҳулку адаб гўзаллигида мислсиз бўлишини, уларнинг бахту саодатини кўришидир.

Бироқ, фарзанд ноқобил чиқиб қолса-чи? Юрган йўлида ота-онага тавқи-лаънат олиб келса-чи? Хўш, бунинг давоси борми?

Алишер Навоий номли санъат саройида тақдимот маросими бўлиб ўтган «Мунис онам» бадиий фильмини кўрганлар



ана шундай ўй-хаёлларга чўмган бўлсалар, ажабмас.

Ўзбекистон халқ артисти Лутфилла Саъдуллаев режиссёрлигида тасвирга туширилган ушбу фильмда ҳаётимизда учраб турадиган нохуш воқеалар гавдаланади.

Айтайлик, ота-она ўртасидаги муросасизликлар, фарзанднинг разиллик йўлига кириб қолиши, ота-она қадрини билмаслик, бойликка ружу қўйиш пировардида турли хил оқибатларнинг келиб чиқиш ҳоллари ва ҳоказолар...

Салоҳиддин Сироҷиддинов сценарийси асосидаги ушбу бадиий фильмда ҳам уч оила қисмати, уларнинг парокандаликка юз тутиши-ю, яхши инсонларнинг илиқ тафти ва кўмаги билан яна ҳаётга қайтишлари тасвирланган.

«МУНИС ОНАМ»НИНГ НИЯТИ НИМА?

хона ҳаётдаги баъзи бир ана шундай воқеалар ва улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни айтмоқчимиз.

Бундай воқеалар ҳаётимизда учрамайди, дейсизми?

Бир воқеа ҳақида эслганимда, «Мунис онам» фильмидаги Носир ака образи кўз ўнгимда гавдаланаверади. Сайфулла амакини анчадан буён танийман. У киши бойбадавлат, ўзига тўқ. Аммо, худо фарзанддан қисган. Топганини етим-есирлар, бева-бечораларга тарқатади. Шунинг учун ҳам, у кишини ҳамма Хотамтой дейди.

Шу одам бир ишга қўл урди. Икки ёш йигитни жиноят кўчасидан чиқариб, ҳаётга қайтарди, яъни уларни ўз бағрига олди, хунар ўргатди, ишга жойлади. Ҳозир бу икки йигит оила кўрди, бахтини топди. Аммо, яна бир бадавлат киши бор. Сайфулла аканинг акси, яъни топ-

Фильмда мунис она, унинг икки фарзанди образлари бор. Иқболжон одобда тенги йўқ бўлса, Голибжон бунинг умуман акси.

Воқеа давомида оиладаги кўринмас кўнгил ришталарининг узилиши, фарзандлардан бирининг ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши-ю, иккинчисининг разолат кўчасига кириб қолиши, икки ўртада она бечора сарсон-саргардонлиги, бирининг муваффақиятидан севишиб, иккинчисига фарёд чекиши фильмнинг анча таъсирли чиқишини таъминлаган.

Биз фильм ҳақида батафсил ҳикоя қилмоқчи эмасмиз. Ҳар бир томошабин «Мунис онам»ни кўргач, ундаги воқеалар фильмнинг техник ва ижодий ёритилиш жиҳатларига баҳо бераверади. Аммо, фильм ба-

Билиб олинг

МЕГРЭНИНГ МУАЛЛИФИ

Бельгиялик машхур адиб Жорж Сименон давримизнинг энг сермахсул ёзувчиларидан ҳисобланади. Унинг асарлари 500 миллион нусхада дунёнинг 55 тилида нашр этилган. Бу асарлар сюжети асосида 50 дан ортиқ бадиий ва 300 телевизион фильмлар яратилган. Айниқса, комиссар Мегрэ тўғрисидаги китоблари адибга катта шухрат келтирди.

Халқ табобати

ДОРИВОР ВАЛЕРИАНА

(Кади ўт)

Кади ўт — 1,5 метргача борадиган кўп йиллик ўсимлик. Илдиэпияс қалта, тик ўсади. 10-20 см.га борадиган кўнғир ёки сариқ кўнғир тусли бир талай илдиэлар чиқаради. Пояси тўғри, эгачалари бор, ичи ғовак бўлади. Пастки барглари бандли, усткиси бандсиз бўлиб, тоқ патсимон, қарама-қарши жойлашган, яланғоч ёки тук билан қопланган. Гуллари майда, хушбўй, оқ пушти рангда. Мевалари оч кўнғир рангда ёки жигарранг тусда яланғоч бўлади.

Асосан дарё, сойларнинг яқин жойларида, нам ўтлоқларда, толзорлар орасида ботқоқликлар четида ўсади.

Июндан августгача гуллайди, мевалари июль, сентябрда етилади.

Кади ўт — халқ табобатида

анча кўп ишлатиладиган ва жуда қадр қилинадиган доривор ўсимлик ҳисобланади. Илдиэлари одамга қувват бериб, асабларини жойига келтирадиган, талвасаларга қарши таъсир кўрсатадиган ҳамда гижжадан ҳалос этувчи дори ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ундан ипохондрия, истерия, мигрен, кўёнчиқ касалликларида, юрак оғриб турган, қорин дам бўлган маҳалларда кенг фойдаланилган.

Замонавий табобатда валериана препаратлари бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги тормоқлиқ жараёнларини кучайтириш, рефлектор кўзгалувчанликни камайтирувчи, марказий асаб тизими билан юрак томирлар тизимига меъёрлаштирувчи таъсир кўрсатиши тажрибаларда аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамияти, Тошкент шаҳар Ижтимоий Ўзаро Ёрдан «Меҳрибонлик» ногиронлар жамияти жамоалари жамиятининг Шайхонтоҳур туман бўлими раиси Мавлуда Бабаевага ўқиси **Абдуқохор БАБАЕВ**нинг бевақт оламдан ўтганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилояти судлари жамоалари жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг судьяси Назаров Муҳаммадали Азимовичга волидаи муҳтарамаси **ХУРИЯТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Қулганга
Ҳима
Етсин!

Профессор талабалардан имтиҳон олаётти:

— Аъло баҳо учун савол: Менинг исмиим ким?

— Яхши баҳо учун савол: Қайси фандан имтиҳон топшираёпсиз?

— Урта баҳо учун савол: Дарсликнинг ранги қандай?

Орқа қатордан бўғиқ овоз эшитилди:

— Шунчалик ҳам қийнайдими, одамни!

Шифокор:

— Хоним негадир эрингизнинг кўриши менга ёқмаяпти.

— Менга ҳам. Лекин, у болаларимга жуда меҳрибон-да.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот кўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.